



## ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ НАТИЖАСИ

Назарова Дилрабо Неъматжон қизи

**Аннотация.** ўзбекистонда олий таълим соҳасида олиб бораётган ислоҳотлар ва уларнинг натижаси белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга ега, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар олиб борилаёткани ҳамда олий таълим тизимидағи муамо ва йечимлар тўғрисида тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Илм-фан, олий таълим, таълим-тарбия, давлат сиёсати, илмий, педагог.

**Кириш.** Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таълимга алоҳида тўхталиб таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир деб такидлагани таълимга давлат томонидан алоҳида еътибор қаралиётганини кўрамиз.

Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз айтганлариdek:

“Заковат бор жойда улуғлик бўлади,  
Билим бор жойда буюклик бўлади”.

Шунинг учун ушбу соҳада бошлаган ислоҳотларимизни давом еттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал етишимиз керак. 2023 йилга юртимизда “Инсонга еътибор ва сифатли таълим йили”, деб ном беришни таклиф қиласман деб таъкидлади. Президент парламентга мурожаатномасида таълим масаласига алоҳида ургу қаратди. Бу албатта ўсиб келайпотган ёшларда илмга бўлган қизиқишларга кенг йўл очилди десак муболага бўлмайди. Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Маълумки, замонавий ҳаётни бугунги кунда илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, ривожланган хорижий давлатларда таълимни ривожлантириш биринчи галдаги энг асосий вазифа сифатида белгиланмоқда.

# НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ



Бунга сабаб мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Айниқса, ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртаниги куни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлик. Бугунги замонавий жамиятда инсон фаолиятининг энг кенг соҳаларидан бири - бу таълим соҳаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиласиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир”[1]деган сўзларида ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилмоқда.

Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат: Таълим ва тарбиянинг уйғунликда олиб борилиши; таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик хусусиятга эга эканлиги; таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги ва изчилиги; 12 йиллик (6 ёшдан 7 ёшгacha болаларни бир йил давомида умумий ўрта таълимга тайёрлаш ҳамда ўн бир йиллик умумий ўрта ва ўрта маҳсус) таълимнинг мажбурийлиги; таълим тизимининг дунёвий хусусиятга эга эканлиги; давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги; таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув; билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш; инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олиши; жамиятда педагог ходимлар ижтимоий ҳимоясининг кафолатланганлиги; таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғулаштириш.

Давлат жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси, ижтимоий мавқеидан қатъий назар, ҳар кимга таълим олишда тенг ҳуқуқларни кафолатлайди. Давлат таълим олиш ҳуқуқини қўйидагилар орқали таъминлайди:

- таълим ташкилотларини ривожлантириш;
- таълим ташкилотларида инновацион фаолиятни ва таълим дастурларини инновацион технологиялар ёрдамида амалга оширишни қўллаб-қувватлаш;
- етакчи классик олий таълим муассасалари мақомини белгилаш ва уларни қўллаб-қувватлаш;
- ишлаб чиқаришдан ажralган (кундузги) ва ажralмаган ҳолда (сиртқи, кечки, масофавий, дуал) таълим олишни ташкил этиш;
- кадрлар тайёрлаш ва таълимга оид давлат дастурлари асосида ўқитиш;
- умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълимни бепул олиш;

# НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ



-оилада ёки ўзи мустақил равиша билим олган, шунингдек, мажбурий умумий ўрта таълимни тўлиқ олмаган фуқароларга аккредитациядан ўтган давлат таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш хукуқини бериш;

-таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмаларини меҳнат бозорининг талабларига мувофиқ шакллантириш.

-Хорижий мамлакатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга ва қонун хужжатларига мувофиқ таълим олиш хукуқига эга.

-Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган шахслар таълим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг хукуқларга эга.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қўйидагиларни ўз ичига олади:

-давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва таълим дастурларини ёки улардан бирини амалга оширувчи таълим ташкилотлари;

-якка тартибида педагогик фаолият билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (репетиторлик);

-таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

-таълим соҳасида давлат бошқаруви органлари ҳамда уларга идоравий мансуб ташкилотлар.

-Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксизdir.

Ўзбекистон Республикасида таълим қўйидаги турларда амалга оширилади:

1.мактабгача таълим;

2.умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим;

3.касбий таълим;

4.олий таълим;

5.олий таълимдан кейинги таълим;

6.кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

7.мактабдан ташқари таълим.

Охирги йилларда таълимнинг ижтимоий роли ортиб, дунёning аксарият давлатларида таълимнинг барча турларига бўлган муносабат ўзгарди. Таълим ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг бош, етакчи омили сифатида қаралмоқда. Бундай эътиборнинг сабаби замонавий жамиятнинг энг муҳим қадрияти ва асосий капитали – бу янги билимларни излаш, эгаллаш ва ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир бўлган инсон ҳисобланади. Шундай экан, ҳозирги даврда таълим шахс ва жамиятни ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 октябрдаги Ф-4724-сон фармойиши[2] билан ташкил қилинган Ишчи гуруҳ томонидан олий таълим тизимидағи ҳолатни ўрганиш натижаларига кўра, бир

# НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ



қатор олий таълим муассасаларида ҳали ҳам илмий-педагогик салоҳиятнинг пастлиги, таълим жараёнларини ахборот-услубий ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш замонавий талабларга жавоб бермаслиги, уларнинг моддий-техника базасини тизимли янгилашга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди.

Олий таълим тизимида ўз йўналишлари бўйича дунёning етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибаларини жорий этиш, айниқса, истиқболли педагог ва илмий кадрларни хорижнинг етакчи илмий-таълим муассасаларида стажировкадан ўtkазиш ва малакасини ошириш борасидаги ишлар етарли даражада олиб борилмаётганлиги олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахassisлар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида:

Олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича фармойишда энг муҳим вазифалар этиб қуидагилар белгиланди: ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш; олий маълумотли мутахassisлар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, олий таълим муассасаларида ўқитиши йўналишлари ва мутахassislikларини истиқболда минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга оширилаётган ҳудудий ва тармоқ дастурларининг талабаларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш; таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиши усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш; янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий



адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан, энг янги хорижий адабиётлар сотиб олиш ва таржима қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш; педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиши, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиши, олий таълим муассасалари ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш; олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш; олий таълимнинг маънавий-аҳлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик рухини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш; олий таълим муассасалари моддий-техника базасини ўқув ва илмий-лаборатория бино ва корпушлари, спорт иншоотлари, ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаси объектларини куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим илм-фанининг устувор йўналишлари бўйича ўқув-илмий лабораторияларини замонавий асбоб ва ускуналар билан жиҳозлаш орқали янада мустаҳкамлаш; олий таълим муассасаларини замонавий ахборот- коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, олий таълим муассасалари талabalари, ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчиларининг жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини кенгайтириш вазифалари белгилаб берилган.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутки; <https://uz.a.uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 октябрдаги Ф-4724-сон Фармойиши. 3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ти (ЎРҚ-637-сон, 23.09.2020 й.) қонуни. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон).

# НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 08.10.2019 йил ПФ-5847-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 11.07.2019 йил ПҚ-4391-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 24.12.2021 й. ПҚ-60-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24.12.2021 й. ПҚ-61-сон Қарори.

